



O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

• 2013-yil, 7-sentabr. Shanba • 108 (31.698)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

ЁШЛАР ҚАЛБИДА ЖЎШ УРГАН ҒУРУР

уларни катта мақсадлар сари янада дадил интилишга ундайди



Аввал хабар қилганимиздек, ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти «Ёш сиёсатчи – 2013» кўрик-танлови республика босқичи олдидан танлов иштирокчилари мустақиллик йилларида пойтахтимизда барпо этилган иншоотлар, бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишди. Ёш сиёсатчилар дастлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎзХДП фракция аъзолари билан учрашиб, миллий парламентидаги фаолияти, қонун ижодкорлиги жараёни ҳақида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Шунингдек, ёшлар Ўзбекистон Халқаро анжуманлар саройи, Маърифат маркази, Симпозиумлар саройи ва «Бунёдкор» футбол стадионида бўлишди.

(Давоми 2-бетда.)

Кеча Тошкентда «Истиқбол» ёшлар қаноти «Ёш сиёсатчи – 2013» кўрик-танлови республика босқичи якунланди. Иштирокчилар учта шарт – «Лойиҳа тақдими», «Билимдонлик синови», «Нотиқлик санъати» бўйича билим ва маҳоратларини намойиш этишди. Икки кун давом этган баҳслардан сўнг ғолиб ва совриндорлар аниқланди.

(Бу ҳақда газетамизнинг кейинги сонларидан бирида батафсил ахборот берилади.)

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ ТИЗИМЛИ БЎЛИШИ ЗАРУР

ЎзХДП Марказий Кенгаши ва Тошкент вилоят кенгаши Чирчиқ шаҳрида «Депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш» мавзусида семинар ўтказди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, маҳаллий партия кенгашлари фаоллари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент вилоят бўлими мутахассислари мавзу юзасидан фикр алмашди.

Иштирокчилар «Давлат бошқару-вини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун билан берилган ваколатлардан самарали фойдаланишда партия ташкилотлари ва депутат-

лик гуруҳлари ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлаш, электорат манфаатларига алоқадор қарорлар, тегишли дастурлар бажарилишида депутатлик назоратини кучайтириш масалаларига эътибор қаратишди.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон дўстлари

«МЕН СЕНИ СЕВАМАН, ЎЗБЕКИСТОН, МЕН СЕНИ СЕВАМАН, САМАРҚАНД!»

«Шарқ тароналари» IX халқаро мусиқа фестивалининг Гран-При соҳиби ҳиндистонлик Раши АГАРВАЛ дил сўзларини ана шундай изҳор этди

«Шарқ тароналари» IX халқаро мусиқа фестивалида ўзининг юксак ижрочилик маҳорати, ширали овози билан томошабинлар олқишига ва ҳайъат аъзоларининг эътирофига сазовор бўлган ҳиндистонлик санъаткор билан интернет орқали боғланиб, суҳбатлашиш истагини билдирди. У эса тақлимимизни мамнуният билан қабул қилди. ➔ 4



ЎзХДП: электорат мурожаатлари

Аҳоли вакиллари билан очик мулоқот кўтарилаётган масалаларга ечим топишда янада масъулиятли бўлишни тақозо этади

➔ 2

ЎзХДП: минтақавий семинар

Кадрлар малакасини ошириш

партия ташкилотлари фаолияти самарадорлигига хизмат қилади

Партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш туман ва шаҳар кенгашлари раислари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, бошланғич ташкилотлар етакчиларининг билими, солоҳияти ва ташаббускорлигига боғлиқ. Шу боис ЎзХДП Марказий Кенгаши кадрларни танлаш, уларнинг билим ва малакасини оширишда ўқув семинарларни таъсирчан ўтказиш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Жиззах шаҳрида Самарқанд ва Жиззах вилоятлари партия ташкилотлари раҳбарлари, туман ва шаҳар кенгашлари раислари, маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, партия фаоллари иштирокида ўтказилган минтақавий семинарда шу масалалар ҳусусида фикр алмашилди.

(Давоми 2-бетда.)

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг



Қорақалпоғистон Республикаси
Буюк бунёдкорликлар,
янгиликлар
эзгу мақсадлар
йўлида

www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон – Хитой:

Стратегик шерикликни мустаҳкамлаш йўлида

Жорий йил 8 сентябрь куни Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи бошланади ➔ 3

Овул аҳолиси мамнун



➔ 4

ИОРДАНИЯ —

ЎЗБЕКИСТОН — 1:1



Кеча 2014 йили Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионати Осиё минтақаси саралаш босқичидан жой олган «Плей-офф» учрашуви бўлиб ўтди. Унда Иордания — Ўзбекистон миллий терма жамоалари ўзаро куч синашди.

Ўйин Омман шаҳрида ўтказилишига қарамай ташаббус ҳамюртларимиз томонидан бўлди. Ўйин давомида маҳорат ва тажриба борасида ҳамюртларимиз устунлиги кўриниб турди. Дастлаб учрашувда мезбонлар ҳисобни очган бўлса-да, орадан кўп ўтмай терма жамоамиз сардори Сервер Жепаров ўртадаги мувозанатни тиклади — 1:1.

Танаффусдан кейин ҳам футболчиларимиз ҳужумкорликни сўсайтиришмади. Вакилларимизда яна тўп киритиш учун бир нечта қулай вазият бўлди. Аммо футболчиларимиз улардан фойдалана олишмади. Наттижада ўйин охиригача ҳисоб ўзгармай қолди. Энди барчаси Тошкентдаги жавоб учрашувига ҳал этилади.

Мусобақа низомига кўра, мазкур «плей-офф» босқичининг жавоб учрашуви 10 сентябрь куни Тошкентдаги «Пахтакор» Марказий стадионида ўтказилади.

Эркин ХОЛБОБО

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,

СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Ёшлар қалбида жўш урган ғурур

уларни катта мақсадлар сари янада дадил интилишга ундайди

Мамлакат Жўраева, Андижон вилояти, Хусийи тадбиркор:

— Мен жудаям ҳаяжондаман. Олий Мажлис биносиди Қонунчилик палатаси депутатлари билан учрашганимизда, қонун лойиҳалари муҳокама этиладиган залларда ўтирганимизда ич-ичимдан қувониб кетдим. Танловнинг республика босқичида қатнашиш учун бор кучимни сарфлаганим зое кетмаганини англадим. Мамлакатимиздаги қонун ижодкорлиги жараёни билан яқиндан танишиб боришга ҳаракат қиламан. Фракциямиз аъзоларининг қабул қилинаётган қонунлар, муҳокама этилаётган қонун лойиҳалари, умуман, бугунги кунда парламент томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳусусида берган маълумотлари билимларимни янада мустаҳкамлади.

Ботурали АБДУЛЛАЕВ, Самарқанд вилояти, Булунғур миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи тарих фани ўқитувчиси:



(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Тошкентга биринчи келишим. Бу ердаги ободончилик, бунёдкорлик ишларини телевизорда кўрдим. Ўзбекистон Халқаро анжуманлар саройини ўз кўзим билан кўришни жуда истардим. Бугун сарой биноси билан танишим, унинг салобати-ю ҳашаматидан баҳра олиш имконига эга бўлдим. Конференция заллари, сарой чиройига чирой бериб турган қандиллар, кўркам зиналар, айниқса, саройнинг кириш фойеидаги нақшкор деворий асар хотирамда муҳрланди. Ўртимизда Миллий ва замонавий меъморчилик анъаналари уйғунлашган бундай маҳаббатли саройлар борлиги барчамизни гурулантиради, албатта.

Мадинабону АБДУСАЛОМОВА, Сирдарё вилояти, Гулистон давлат университети талабаси:

— Инглиз ва рус тилларини чуқур ўрганаётиман. Тил билган — эл билди, деб бежиз айтилмаган. Тилни мукамал ўзлаштирсак, дунёга чиқишимиз, ўзимизни кўрсатишимиз осонлашади. Илм-фан ютуқларидан хабардор бўлиб боришимизда ҳам тил билишнинг аҳамияти катта. Пойтахтимиздаги Мэрифат маркази ва Симпозиумлар саройида бўлганимда биз ёшларга катта имкониятлар яратилганини яна бир бор ҳис қилдим.

Вилотимиздаги ахборот-ресурс марказлари ҳам замонавий технологиялар билан таъминланган. Бадиий адабиёт бўладими, сиёсий-ҳуқуқий адабиётларми, тил ўрганишга оид китоблар дейсизми, истаганимизни топишимиз мумкин. Тенгдошларим билан улардан сарфарида фойда

нашга ҳаракат қилаётимиз. «Мен Ватаним равақига ҳисса қўишни хоҳлайман» шiori остида ўтказилгани учун ҳам бу танловда қатнашишга ҳаракат қилдим. Унда иштирок этаётган ҳар бир ёш «Ўзим яшаётган ҳудуд, Ватаним равақи учун қандай ҳисса қўшсам экан?», деган саволга жавоб топишга интилади. Ўзининг иқтидорини ишга солиб, ҳудуд равақида ҳисса қўшадиган лойиҳаларни яратишга интилади.



Бехзод Жўраев, Жиззах вилояти, Жиззах давлат педагогика институти талабаси:

— Футболга жуда қизиқаман. «Сўғдиёна» жамоасининг кичик ёшлар таркибида икки йил тўп сурдим. «Бунёдкор» стадионини ўз кўзим билан кўришни орзу қилардим. Бугун шу ниятим амалга ошди. Ҳақиқатан ҳам жуда ғўзал иншоот экан.

Спорт билан бирга танъат ҳам жону дилим. Вилотда нодавлат радио тармоғида «Сўғи сониягача салом» дастури, «Ўзбекистон» телерадиоканалида ҳар якшанба эфирга узатиладиган «Кўҳна замин оҳанглари» кўрсатувида бошловчилик қиламан. Келгусида ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган радио эшиттириш ва телекўрсатувлар яратиш истагим бор. Аммо мақсадга эришиш учун хошимизда танловда қатнашаётиман.

Гулрух ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

лоийҳалар асосида 12 хил хизмат (чакана савдо, суратхона, соат тузатиш, пойабзал ва чарм буюмлари, маиший техникани таъмирлаш, кир ювиш компьютер хизматлари ва бошқалар) кўрсатишни яхшилашга эътибор қаратилаяпти. Бунда хизмат кўрсатиш шохбачи биноларининг архитектура, ҳудудлар бўйича жойлашуви ҳисобга олиниши муҳимдир. Бу очилаётган иш ўринларининг барқарорлигини, хизмат кўрсатишнинг сифатини белгилайди. Жорий йил давомида вилот бўйича 1144 та шохбача очилиши кутилапти.

Шунга мувофиқ тарзда вилотда туризм соҳасини ривожлантириш муҳим масала ҳисобланади. Вилот ҳудудида эътиборга молик 372 та маданий мерос объекти бор. Вилотнинг тарихий маданий меросини қайта тиклаш мақсадида 2013-2015 йилларда туризм объектиларини қуриш ва мавжудларини таъмирлаш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Айни пайтда бу борада амалий ишлар олиб борилаёпти.

Белгиланган вазибалар ижро этилиши маҳаллий вакиллик ҳокимиятининг доимий назоратида бўлиши зарур, назаримда. Жараёнда юзага келаятган муаммоларни ҳал этишда ҳам депутатларнинг иштироки, ваколатларидан фойдаланиб, ишнинг самарали бажарилишига таъсир кўрсатиш муҳимдир.

Семинарда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Алия Юнусова, Тошкент вилоти иқтисодиёт бошқармаси бўлим бошликлари Раваҳан Мамасолиев, Зокиржон Саидов, Чирчиқ шаҳар партия кенгаши раиси, халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Дониёр Азиз-хўжаев, «Нуроний» хайрия жамағармаси вилот бўлими раҳбари Раҳматулла Шералиев мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Мутасадди ташкилотлар билан ижтимоий шерикчилик асосидаги муносабатларни янада кучайтириш, депутатлик гуруҳларининг аниқ режа асосида ишларини таъминлаш, ташаббускорлик ва талабчанликни ошириш бўйича фикр-мулоҳаза ҳамда тақлифлар айтилди. Шулар асосида депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини тақомиллаштириш юзасидан тавсиялар берилди.

Гулрух ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: электорат мурожаатлари

Аҳоли вакиллари билан очиқ мулоқот

кўтарилаётган масалаларга ечим топишда янада масъулиятли бўлишни тақозо этади

Бугун одамларни нима ўйлантираяпти? Ҳудудларда қандай ижтимоий-иқтисодий масалалар ечимини кутмоқда? Уларни ҳал қилиш учун нималарга эътибор қаратиш зарур?

ЎзХДП Навоий вилот ва Навоий шаҳар кенгаши ташаббуси билан шаҳарнинг «Турон», «Мустақиллик», «Меъморлар» ва «Гулзор» маҳаллаларида ўтказилган учрашувлар ана шу саволларга жавоб олиш, бу борада аҳоли вакиллари фикрини ўрганиш мақсадида ташкил этилди.

Учрашувларда юртимизда инсон манфаатини таъминлаш ҳар нарсадан устун экани таъкидланар экан, истиқлол йилларида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар аниқ мисоллар асосида таҳлил этилди. Шунингдек, халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгаши депутати, ЎзХДП депутати гуруҳи аъзоси Фахриддин Нуруллоев билан очиқ-ошкора суҳбат бўлиб ўтди. Фуқаролар депутатга ўзларини қизиқтиратган саволлар билан мурожаат этиди, айни пайтда, унинг олти ойлик фаолияти ҳақидаги ҳисоботини тинглашди. Эришилган муваффақиятлар эътироф этилиб, ечимталаб масалалар биргаликда муҳокама қилинди. Олий таълим муассасаларига шартнома асосида ўқишга кирган талабаларга тижорат банклари томонидан берилган таълим кредити ва уни олиш йўллари ҳусусида учрашувда қатнашган банк мутасаддилари атрофлича тушунча беришди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, вилотдаги ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналарига жорий йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида 160 га яқин мурожаат тушган. Ҳозиргача уларнинг қарийб 72 фоизи тегишли идора ва ташкилотлар ёрдамида ижобий ечим топган. Мурожаатларнинг асосий қисmini коммунал хизматларга ҳақ тўлашдаги тушунмовчиликлар,

тижорат банкларида кредит олиш, қишлоқ жойларида ишга жойлашиш билан боғлиқ айрим муаммолар ташкил этди.

— Мен ўзимга тўғри келадиган иш ахтариб юргандим, — дейди Нурота туманида истиқомат қилувчи фуқаро Шохиди Жўракулова. — Шунда бир танишим ЎзХДП Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилишни маслаҳат берди. ЎзХДПнинг туман марказидаги идорасига бордим. Мурожаатим беътибор қолмади. Уларнинг кўмаги билан «Нурота текстил» корхонасига ишга жойлашдим. Мурожаатим ўз вақтида ўрганилиб, амалий ёрдам берилгани партияга ишончимни янада оширди.

— Жамоатчилик қабулхоналарида кўтарилаётган масалалар партия фаоллари, депутатлик гуруҳларимиз ва ҳамкор ташкилотлар томонидан ўрганилиб, муаммолар бартараф этилаёпти, — дейди ЎзХДП Навоий вилот кенгаши бўлим муdiri Феруза Кодирова. — Аммо биз «Қабулхоналаримизга қачон одамлар келса, уларга имкон қадар ёрдам кўрсатамиз» деб қутиб ўтирмасдан маҳаллаларда, турли корхона ва ташкилотларда давра суҳбатлари ташкил этиб, фуқароларимизнинг мурожаатларини қабул қилаётиш, улар билан очиқ мулоқотлар ташкил этаётишимиз. Электорат вакилларининг фикрларини умумлаштириб, депутатлик гуруҳларимиз доимий комиссияларда муҳокама этиб, сессиялар кун тартибига олиб киришига ҳаракат қилмоқда.

Илҳом САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: минтақавий семинар

КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ

партия ташкилотлари фаолияти самарадорлигига хизмат қилади

— Бугун олдимизда турган вазибаларни қай даражада бажара олишимиз кадрлар, уларнинг салоҳияти, фидойилиги ва масъулиятига бевоқифа боғлиқ, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим муdiri Зокиржон Холматов. — Аммо айрим маҳаллий партия кенгашларида фаолият юритаётган кадрларнинг касбий билими ва маҳоратини ошириш, партия ташкилоти тизимини мустаҳкамлаш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар қанчалик даражада эмас.

Партиянинг бу борадаги фаолиятини кучайтиришга қаратилган минтақавий семинарда қатор фикр-мулоҳазалар билдирилди. Таъкидлангани, партия тизимида ёшлар билан кўпроқ ишлаш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолиятини талаб даражасида ташкил этиш кадрлар масаласини ҳал этиб боришда муҳим омил ҳисобланади.

— Кадрлар ҳақида гап кетганда бир масалага алоҳида

эътибор қаратиш керак, — дейди ЎзХДП Жиззах вилот кенгаши раиси Мўътабар Каримова. — Яъни, ходимлар ўз ишга масъулият билан ёндашиш, фидойи бўлиб меҳнат қилишига эришиш лозим. Ҳар бир ходим ишига масъулиятли бўлса, самараларок ишлашга интилади, билими, малакасини ошириб боришдан манфаатдор бўлади, янги-янги ташаббуслар, фоялар билан чиқаради.

Шунингдек, семинарда сўзга чиққанлар, кадрларни танлаш, малакасини ошириш учун тизимли ўқувларни йўлга қўйиш, ўқув услубий таъминоти яхшилаш, замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш масалаларида ҳам фикр-мулоҳаза билдиришди. Шу кун миантақавий семинар иштирокчилари Жиззах шаҳар партия кенгаши ва шаҳардаги ақушерлик комплекс бошланғич ташкилотининг иш тажрибаси билан яқиндан танишди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Депутатлик назорати тизимли бўлиши зарур



Айтиш керакки, халқ депутатлари Тошкент вилот, шаҳар ва туман Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари қонунлар, давлат дастурлари ҳудудларда бажарилишини таъминлаш мақсадида сессия ва доимий комиссияларга қатор масалаларни киритиб келмоқда. Хусусан, партия Сайловолди дастури, 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида белгиланган вазибалар ижросини таъминлаш мақсадида депутатлик гуруҳлари томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш, манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор масалалар ўрганилиб, вилот Кенгашининг доимий комиссиялари, сессиялар муҳокамасига олиб чиқилди. Шулар асосида вилотда қатор ишлар амалга оширилди. Бу жараёнда партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари ўз ташаббуслари билан муносиб иштирок этди.

Аммо маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада кучайтириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамоатчилик ҳамда депутатлик

назоратини тизимли йўлга қўйиш ҳамон муҳим вазифа ҳисобланади. Семинарда бу борада қатор фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тошкент вилот партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилот Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Сирожиiddин Аъзамов депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини тақомиллаштириш бўйича олдиндан турган вазибалар ҳусусида сўз юритди.

— Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида янги иш ўринлари ташкил этиш партиямиз электорати бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Жорий йил апрель ойида халқ депутатлари Тошкент вилот Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида билдирилган танқидий фикрлардан хулоса чиқариб, жойларда хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш бўйича қатъий иш олиб боришмоқда. Партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари ҳам бу масалаларга жиддий эътибор қаратаёпти. Хусусан, тегишли дастурларда белгиланган вазибалар бажарилиши бўйича депутатлик ҳамда жамоатчилик назорати кучайтирилди. Юзага келаятган масалалар маҳаллий

Кенгашлар доимий комиссияларида муҳокама этилмоқда. Тегишли дастурларга асосан 2013-2015 йилларда вилотдаги давлат аҳамиятига молик бўлган ҳамда ички автомобил йўллари, сув, иссиқлик таъминоти янада яхшиланиш кўзда тутилган. Шунингдек, табиёт муассасалари, маданият, спорт иншоотлари реконструкция қилиниб, ўқув диагностика, замонавий компьютер технологиялари билан таъминланади.

Хусусан, Бўка, Зангиота, Ўрта Чирчиқ ва Охангарон туманларида 85 километрдан зиёд йўллар янгидан қурилади, реконструкция қилинади. Ангрэн шаҳрида 13,5 километр йўл капитал таъмирланади. Умуман, вилот бўйича 250 километр ички йўллар капитал таъмирдан ўтказилди. Бу мақсадлар учун 81 миллиард сўм сарфланиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, аҳолига сифатли транспорт хизмати кўрсатиш мақсадида 135 та янги автобус ажратилиб, 42 та янги йўналиш очилиши кутилмоқда. Вилотини ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолига қулайлик яратиш, қўллаб-қувватлаш иш ўринлари яратишга қаратилган бундай кенг қўламли ишлар ре-

жадагидек амалга оширилишида партиямиз ташкилотлари, депутатлик гуруҳларимиз фаол иштирок этиши зарур. Бунда депутатлик назорати имкониятларидан самарали фойдаланиш биз учун ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Боймурод ЮСУПОВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим муdiri: — Ҳақиқатан ҳам хизмат кўрсатиш ва сервис ривож ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига қулай шароит яратишда, иш топишда кийинчиликларга дуч келаятган кишилар, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашда долзарб масала ҳисобланади.

Партиямиз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари соҳани ривожлантиришга қаратилган ташаббусларни илгари суриш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, хизмат кўрсатиш бўйича ўз ишини йўлга қўйишга интиладиган йигит-қизлар билан учрашувлар ўтказилапти, улар дуч келаятган масалалар ўрганилаёпти. Аммо бу ҳали етарли эмас, деб ўйлайман. Биз депутатлик гуруҳлари фаоллигини оширган ҳолда бу борадаги ишларнинг барча ҳудудларда тизимли ташкил этилишига эришишимиз лозим. Масалан, имконияти чекланган кишиларнинг сервис соҳасида бандлигини ошириш олдимизда турган асосий вазибалардан бири, менимча. Демак, бу борада депутатлар ўз ваколатларидан самарали фойдаланиши, назорат олиб бориши зарур.

Абдор РОЗИХЎЖАЕВ, «Ўзбектуризм» миллий компанияси Тошкент вилот бўлими бошлиғи: — Вилот Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида билдирилган танқидий фикрлардан хулоса чиқарган ҳолда, вилот ҳудудида намунавий

(Давоми. Боши 1-бетда.)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Стратегик шерикликни мустаҳкамлаш йўлида

Аҳоли бандлигини
таъминлаш долзарб вазифа

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI»

Кариесга қарши

Эмизикли оналар

Фақат чечак ва сариқ безгакка қарши вакциналаргина сути таркибига акс таъсир этиши ва ўз ўрнида чаканка ҳам салбий оқибат кўрсатиши мумкин экан.

«МЕН СЕНИ СЕВАМАН, ЎЗБЕКИСТОН, МЕН СЕНИ СЕВАМАН, САМАРҚАНД!»



«Шарқ тароналари» IX халқаро мусиқа фестивалининг Гран-При соҳиби ҳиндистонлик Раши АГАРВАЛ диплом сўзларини ана шундай изҳор этди

нинг энг яхши жиҳатларини кўрсатишга ҳаракат қиласиз. Менда ҳам худди шундай бўлди. «Шарқ тароналари»да дунёнинг энг кучли санъаткорлари йиғилган эди. Ана шундай ҳолатда мендан ўзимнинг бор имкониятларимни намойиш этиш талаб этиларди. Мен буни ундай олдим, деб ўйлайман.

— Афсонавий Самарқанд шаҳри ҳақида нима дея оласиз?

— Самарқанд — тамоман бетакрор шаҳар. Регистон майдони, Амир Темури макбараси, Биби Хоним масжиди, Имом ал-Бухорий зиратгоҳи... Мен илгари булар ҳақида кўп эшитганман, ўқиганман. Аммо Ўзбекистонга келиб билдимки, бу жойлар мен ўйлаганимдан ҳам чиройлироқ, маҳаббатлироқ экан. Самарқанд медаларининг таъми ҳам умуман бошқача. Самарқанд нони эса — алоҳида мавзу. Бунақа ширин нон бутун дунёда бўлмаса керак. Самарқанд аҳолисининг бахти эканлиги уларнинг юзидан кўриниб турибди. Уларга боққанда сиз ўзингизни хотиржам ҳис қила бошлайсиз. Айтганча, бу тарихий шаҳарнинг аёллари жуда ҳам чиройли экан.

Мен Ўзбекистонга ўз гуруҳим билан бордим. Кўришга улгурган жойларим менда чуқур таассурот қолдирди. Келаси сафар бу жаннатмакон дёғрага оилам билан келишни ният қилдим.

— Ўзбек кўшиқчилиги санъати ҳақида нима дея оласиз?

— Ўзбек халқининг санъати ва маданиятига юксак баҳо берилиши бежиз эмас. Ўртингиздаги маданий

бойликлари, тақдорланмас музейлар, галереялар ва театрлар билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Ўзбекистон халқи, айниқса, аёлларнинг санъатсеварлиги эътиборимни тортди. Чикишларим пайтида рақсга тушаётган одамларни кўрдим. Улар орасида болалар ҳам борлиги мени илҳомлантириб юборди. Улар менга кўшилиб бирга куйлашди. Бу жуда ҳам таъсирли, ҳаяжонли, фахрли...

— Сизни Гран-При соҳиби деб эълон қилишганида қалбингизда қандай ҳиссиётлар келди?

— Бу бетакрор туйғу эди! Мукофотлардан бирига сазовор бўлишмни кўнглим сезганди. Мукофотлар эълон қилинаётган вақтда ҳаяжоним кучайиб кетди. Гран-При голиби сифатида мени эълон қилишганида гуруҳимиз билан туйган қувончимизни таърифлаш қийин. Бу чиндан ҳам, қутилмаган ҳол эди. Мен ҳиссиётлар оғушида қолдим, хурсандчилик ва бахт мени қуршаб олганди. Бир оғиз ҳам гапира олмадим. Нима қилишни билмай, қотиб қолдим. Мен бу ерда ватаним Ҳиндистон шарофатини ҳимоя қилдим. Қўлга киритган Гран-При совринимни юртимга бағишлайман. Бу — мен учун катта шараф.

Регистон майдонида бундай совринни қўлга киритиш ҳамма санъаткорга ҳам насиб этавермайди. Бундай нуфузли фестивалда қатнашишни ўзим учун фخر деб биламан! Самарқандда кўйиқ қўйлаганимдан ғурурланаман. Мен Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов-

га алоҳида миннатдорлик билдираман. Айнан у киши «Шарқ тароналари»дек ажойиб фестивални ташкил этиб, бутун дунё санъаткорларини бир жойга жамлади. Ўзбекистон халқига ҳам меҳр ва қўллаб-қувватлаб турганликлари учун катта раҳмат! Улар мени ва гуруҳим аъзоларини кутганимиздан ҳам яхшироқ қўллаб туришди.

— Ўзбекистонда дўстларингиз борми?

— Ўзбекистонга келган пайтимда бу ерда битта ҳам дўстим йўқ эди. Лекин ҳозир муҳлисларим, дўстларим кўлигини айта оламан. Бир жихатли алоҳида таъкидлашим керак, бизнинг алоқаларимиз шунчаки дўстликдан иборат эмас. Ўзбек халқи билан бизни опа-укачилик, ака-сингилчилик муносабатлари боғлаб туради. Ишонаманки, биз бу алоқаларни охиригача ушлаб тура-миз. Мен ўзимни Ўзбекистоннинг дўсти деб ҳисоблайман. Шунчаки эмас, энг яхши дўстлардан бири.

— Ўзбекистон халқига тилакларингиз?

— Мен халқингизга ҳаёти ҳар доим яхши бўлишини тилайман. Ўртингиз дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторига тезроқ кирсин, халқингиз доимо бахтли ва аҳил яшасин. Худо хоҳласа, биз яна Самарқандда учрашамиз! Сўзим охирида шунини айтмоқчиман:

**«МЕН СЕНИ СЕВАМАН,
ЎЗБЕКИСТОН, МЕН СЕНИ
СЕВАМАН, САМАРҚАНД!»**

**«Ўзбекистон овози» мухбири
Темури АбЗАМ сўхбатлашди.**

ПОЙТАХТИМИЗ КОРТЛАРИДА

бугун анъанавий Tashkent open
халқаро турнири бошланади

Мамлакатимизда теннисни янада ривожлантириш, оммавийлигини ошириш, янги истеъдодларни кашф этишда мажбуриятимиз мусобақа муҳим аҳамият касб этади. Аёллар ўртасида ўн бешинчи мартаба ўтказилаётган Tashkent open халқаро турнирининг навбатдаги баҳсларида Россия, Япония, Ҳиндистон, Украина, Сербия, Хитой-Тайпей, Голландия, Германия, Руминия, Франция сингари йигирмага яқин давлатнинг етакчи ракеткачилари иштирок этиши кутилмоқда.

Дунёга машҳур теннисчилар россиялик Анастасия Мискина, Елена Деметтеева, Динара Сафина, Мария Кириленко, Елена Веснина, италиялик Франческа Скьявоне, белоруссиялик Виктория Азаренко, словакиялик Доминика Цибулкова, франциялик Полин Парментье, Марион Бартоли, германиялик Сабина Лисицкилар турли йилларда Тошкент кортларида ўз маҳоратларини намойиш этганини муҳлисларимиз хали унуттигани йўқ. Эътиборлиси, мамлакатимиз теннис малякалари Ирода Тўлаганова, Оккул Омонмуродовлар ҳам айнан Tashkent open халқаро турнири катиштилари саналадилар.

Бу йилги мусобақа қатнашчилари орасида WTA таснифда кучли элиталикдан жой олган Си Сувэй (Хитой-Тайпейи), Боане Ивановски (Сербия)ларнинг борлиги баҳсларнинг мурасасиз ва шиддатли ўтишини таъминлаши шубҳасиз. Улар қаторида Ўзбек теннис мактаби тарбияланувчилари Оккул Омонмуродова, Нигина Абдураимова, Сабина Шариповалар ҳам голиблик учун кураш олиб боради.

Абдулқазим МУСАЕВ

2013 йил — Обод турмуш йили

Овул аҳолиси мамнун

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган кенг қўлланма ислохотлар натижасида чекка, олис ҳудудларда ҳам аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш самарадорлиги тобора ошмоқда. Буни Оролбўйи овуллари мисолида аққол кўриш мумкин.



Суратда: катта ҳамшира Феруза Утеминова.

Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туман тиббиёт бирлашмасига қарашли «Кенес» қишлоқ врачлик пункти қарийб олти ярим минг аҳолига хизмат кўрсатади. Замонавий усулда барпо этилган ва «Саломатлик» лойиҳалари асосида тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бирламчи муассасада тўрт нафар малакали врач

ҳамда йигирмага яқин ўрта тиббиёт ходими меҳнат қилаётди. «Кенес» ҚВП мудираси Бийбихамол Боймурзаеванинг айтишича, замонавий шарт-шароит ташхис қўйиш ва даволаш, тиббий текширувларни изчил олиб бориш имконини бераётди. Энг муҳими, овул аҳолиси ҚВП хизматидан мамнун.

Тадбиркорлик

Замонавий дизайн маркази

Наманган шаҳрида мода ва дизайн маркази иш бошлади.

Марказ биносининг очилиш маросимида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган илчил ислохотлар, ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларга яратиб берилаётган кенг имконият ва имтиёзлар ҳамда қўлай инвестициявий муҳит кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг жадал ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Бу ерда дизайн ва модалар кўргазма зали, дизайн-лаборатория, кийим-кечак ишлаб чиқариш цехи мавжуд. Марказда 50 иш ўрни яратилди. Уларнинг аксариятида касб-хунар коллежи битирувчилари ишламоқда.

— Президентимиз Ислам Каримов 2011 йил 30 сентябрда вилоятимизга ташрифлари чоғида «Истиқлол текстиль дизайн» масъулияти чекланган жамиятида бўлиб, асосий эътиборни иш-

лаб чиқариш билан бирга, мода ва дизайн яратишга қаратиш хусусида маслаҳатлар берган эдилар, — дейди марказ директори Бахтиёр Умаров. — Ушбу марказ давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлик соҳасига қаратаётган улкан эътибори маҳсулидир.

Дизайн ва модалар кўргазма залида «Истиқлол текстиль дизайн» корхонасида тайёрланган либослар намойиш этилди.

Тадбирда Наманган вилояти ҳокими Б. Юсупов сўзга чиқди.

(ЎЗА)

Ижтимоий ҳимоя

Фахрийларга эътибор

Юртимизда аҳолининг эҳтиёжманд қатлами ижтимоий муҳофаза қилишнинг яхлит тизими яратилган. Айниқса, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиб боришмоқда.

Яқинда фойдаланишга топширилган «Жиззах» кексалар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийи ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилаяпти. Барча шарт-шароит ва қўлайликларга эга ушбу санаторийда йил давомида 2400 киши дам олиб, саломатлигини тиклаши мумкин.

— Бу санаторий Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли. Сирдарё, Тошкент ҳамда Навоий вилоятлари аҳолисига хизмат кўрсата-япти, — дейди бош шифокор Зокир Эшмуродов. — Умр бўйи жамият ва халқ манфаати йўлида меҳнат қилган юртдошларимизга хизмат қилиш, уларнинг кўнглини олиш жамоамиз учун шараф.

Чирчиқ шаҳридан келиб, бу ерда дам олаётган меҳнат фахрийси Эркин Холмухаммедов бундай дейди:

— Шифокор ва хизматчиларнинг ҳушмуомаласи, теварак-атрофдаги саранжом-саришталлик ва гўзалликдан кўнглим равшан тортиди, дарду ташвишларинг аригандай бўлди.

— Навоий вилоятининг Навбахор туманиданман, — дейди етмиш тўрт ёшли Тоҳир Элов. — Тоза ҳаво, зилол сув, эътибору меҳрибонлигининг баҳоси йўқ. Биз каби фахрийларга шундай шароит яратиб берган, ғамхўрлик кўрсатаётган ҳукуматимизга раҳмат.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.**

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ

«ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи
ЛОТ 2-1. «Фарғона вилояти, Риштон тумани, Б.Рошидоний кўчасидаги «Баркамол авлод» болалар маркази биносини мукаммал таъмирлаш».

Бошланғич нархи: 762 197 160 сўм
ҚҚС билан, 635 164 300 сўм ҚҚС сиз.
Муддат — 30.10.2013 йил

Буюртмачи: «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзил: Фарғона шаҳар, Темирйўлчилар кўчаси, 37, тел.(373) 400-52-80, 244-52-15.

Қурилиш-таъмирлаш ишлари: Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Қўта ўлчови кичик бизнес субъектлари учун 100 фоиз.

Талабгор сифатида иштирок этаётган таъкилот ва корхоналар қуйдаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича таърибаси борлиги, етарли касбий ва техни-

кавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорда айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш таъкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйдаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товар-

лар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо таъкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйдаги манзил бўйича мурожаат қилиши мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй, телефон/факс: (373) 244-55-32, 998-98-276-25-48.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо таъкилотчиси томонидан юқоридagi манзилда оферталарни очиб кўриш ва вақтигача қабул қилинади.

Тақлифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин, Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уйда ўтказилади.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Murodilla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV

Muslihidin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farruh HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LINLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;

Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;

Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;

Jamoaatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;

Sport va vatandorlik — 233-44-55;

Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kottibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 946

10485

nuxsada

bosildi.

Sotuvda erkin narxda

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 20.25

Topshirilgan vaqti — 00.20

Navbatchi:

Abdusalim MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

777010763004

1 2 3 4